

Ўзингизни ёмон гумон ўринларига ташламанг



08:00 / 11.01.2021 1993

Мўминларнинг онаси Софийя бинт Ҳуяй розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам эътикоф ўтирган эдилар. У зотни зиёрат қилгани бориб, гаплашиб ўтирдим. Сўнг кетиш учун турдим. У зот ҳам мени кузатиб қўйиш учун турдилар. Шунда ансорлардан икки киши ўтиб қолди. Улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни кўришлари билан юришни тезлатишди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Шошилманглар! Бу Софийя бинт Ҳуяй»**, дедилар. Улар: «Субҳаналлоҳ, эй Аллоҳнинг Расули (сизни бегона билан турибди деб ўйлармидик?!)» дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Шайтон одам боласининг қон оқар жойларида юради. Шунинг учун қалбингизга бирор ёмонлик (ёки бирон нарса) ташлашидан қўрқдим»**, дедилар».

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.